O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 8 FEVRAL ◆ PAYSHANBA ◆ № 18 (26.720)

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

7 февраль куни Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Туркия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Решит Уман ишонч ёрлиғини топширди.

Ўзбекистон — Туркия муносабатлари жуда узоқ даврларга бориб тақалади. Бу муносабатлар манбаи чуқур ва мустаҳкамдир. Ўзаро алоқаларда сўнгги вақтларда юз бераётган ўзгаришлар эса икки томонлама ҳамкорлик барча соҳаларда порлоқ истиқболга эга эканини кўрсатмоқда.

Ислом Каримов Туркия элчисини шарафли ва масъулиятли вазифага тайинлангани билан табриклади ва Ўзбекистонда бошлаётган фаолиятига муваффақият тилади.

Р.Уман Ўзбекистон Президентига Туркия раҳбариятининг самимий саломини етказишдан мамнуният изҳор этар экан, икки томонлама муносабатларни ҳар томонлама ривожлантиришни ўзи учун устувор вазифа, деб билишини таъкидлади.

***

Шу куни Президент Ислом Каримовга Нидерландия Қироллигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Тидо Хофсти ишонч ёрлиғи топширди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон — Нидерландия ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш учун улкан имкониятлар мавжудлигини таъкидлар экан, Т.Хофстининг юртимиздаги фаолияти даврида бу имкониятлардан кенг фойдаланилиши ва икки томонда ҳам мавжуд салоҳият тўла ишга солинишига ишонч билдирди.

Ўзбекистоннинг Нидерландия билан алоқалари кўплаб соҳаларни қамраб олган. Хусусан, сиёсий соҳани оладиган бўлсак, Ўзбекистон Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти раислигига Нидерландиянинг номзодини қўллаб-қувватлаган эди.

Элчи бунинг учун Президентимизга самимий миннатдорлик изҳор этиб, икки мамлакат манфаатлари йўлида хизмат қилишдан мамнунлигини таъкидлади.

***

Шунингдек, Президент Ислом Каримов Словакия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Игор Фурдикдан ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

Словакия ҳам, Ўзбекистон ҳам ўз минтақасининг марказида жойлашган. Иқтисодиётнинг кўплаб муҳим соҳалари қаторида, савдо-сотиқ бўйича ҳам кенг кўламли ҳамкорлик қилиш мумкин. Дейлик, Словакияда улкан юк омборлари мавжуд бўлиб, Ўзбекистондан Европага экспорт қилинадиган маҳсулотларни аввал уларга жойлаштириш, кейин манзилга етказиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, томонлар бир-бири билан ҳамкорликдан катта манфаат топади.

Словакия элчиси табрик ва тилаклар учун Президент Ислом Каримовга миннатдорлик билдирар экан, Ўзбекистондаги фаолияти давомида ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосидаги алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилишини таъкидлади.

***

Ислом Каримов Янги Зеландиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жеф Ворддан ҳам ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

Бу давлат юртимиздан анча олисда жойлашган. Шунга қарамай, у билан савдо алоқаларини ривожлантириш, икки ўртада фуқаролар борди-келдисини кенг йўлга қўйиш фойдадан холи эмас. Мисол учун, Янги Зеландия бозорининг 96 фоизи очиқ ҳисобланади. Божхона, валюта алмашуви каби ишни мураккаблаштирувчи жараёнлар бу ерда нисбатан жуда осон кечади. «Халқ дипломатияси»га келсак, айни пайтда Янги Зеландияда тўрт нафар ўзбекистонлик талаба таҳсил олмоқда. Бундай алоқани кенгайтириш учун имконият катта.

Сиёсий соҳада ҳам ҳамкорлик учун кенг имкониятлар мавжуд. Янги Зеландия — ядродан холи зона барпо этиш ғоясининг тарафдорларидан ҳисобланади. Ўзбекистон Марказий Осиёни шундай зонага айлантириш йўлидан бормоқда. Янги Зеландия нафақат бу йўналишда, балки Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиши борасида ҳам мамлакатимизни қўллаб-қувватлайди.

Президент Ислом Каримов ўзаро ҳамкорлик барқарор ривожланиш йўлидан бораётганидан мамнуният изҳор этди ва элчига Ўзбекистонда бошланаётган фаолиятида муваффақиятлар тилади.

(ЎзА)

ҲАМКОРЛИКНИ КЎЗЛАБ

Жаҳон авиаташуви бозорида ишончли ҳамкор деб эътироф этилган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Россиянинг қатор авиакомпаниялари ва аэропортлари билан ҳам ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаб бормоқда. Яқинда Россиянинг «Аэрофлот» компанияси делегацияси Ўзбекистонга ташриф буюрди.

— «Ўзбекистон ҳаво йўллари» билан кўпдан яхши муносабатларни ўрнатганмиз, — деб таъкидлади «Аэрофлот» бош директори В. Окулов. — Ташрифимиздан мақсад биргаликдаги ишларимизни таҳлил қилиш ва Тошкент—Москва йўналишидан биргаликда фойдаланишни кўриб чиқишдан иборат. Маълумки, Европа ва Жануби-Шарқий Осиё бўйича қатновларимиз шаҳобчаси жадвалига ўзгартиришлар киритилган. Чунончи, биз йўловчиларни Тошкентга қадар етказишни мўлжаллаяпмиз. Улар бу ердан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» қатновлари орқали Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига боришлари мумкин.

Миллий авиакомпанияда икки томонни қизиқтирувчи масалалар юзасидан музокаралар бўлиб ўтди.

■ **Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

«ШЎРЧИ МАРКЕТ» ЭЛ ХИЗМАТИДА

Қишлоқда савдо маданиятини яхшилаш, аҳолига намунали хизмат кўрсатиш борасида Шўрчи туманида мақтовга арзигулик ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йилнинг охирларида Шўрчи улгуржи чакана савдо шўъба корхонаси жамоасининг саъй-ҳаракати туфайли марказда савдо дўкони қурилиши бошланган эди. Қурилишига ўттиз миллион сўм маблағ сарфланган ушбу замонавий «Шўрчи маркет»да айни кунларда 600 турдан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотлари, маданий ва хўжалик моллари мавжуд.

Шунингдек, савдо бўлимининг бир қисмида ёшлар қаҳвахонаси ҳам бор. Келажакда маркет қошида ошхона, чойхона ва музқаймоқ сотиш шаҳобчаси бунёд этиш кўзда тутилган.

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ**

ХДП ХАБАРИ

ҲАЗРАТ НАВОИЙ — МАНГУ ҚЎШИҚДИР

«Туркистон» саройи. Парда очилиб Алишер Навоий яшаган аср ва манзара намоён бўлади. Танбур овози буюк Навоийнинг ўлмас асарларини ёдга солади. Саҳна ортида эса юлдузлар ёнаётган тун... Залдан — халқ орасидан Навоий сиймоси ўтиб, саҳнага чиқиб, бугунги юртдошларидан мамнун рухда шеърлар ўқийди...

Шеърият мулкининг султони, улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига бағишланган маърифий-бадиий кеча ана шундай бошланди.

Кечада Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов ва Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраевлар Навоийнинг ижод фаолияти ҳақида гапирдилар. Шундан сўнг таниқли санъаткорлар буюк шоирнинг ғазалларидан қўшиқлар ижро этишди.

■ **Турсунали ЎРМОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

МИЛЛАТ ОИЛАДА ШАКЛЛАНАДИ

Оиланинг жамиятда тутган ўрни ҳақида бугун кўп гапирилмоқда. Оила давлат ва миллатнинг бош бўғини ҳисобланади. Бугун барпо бўлаётган ёш оилаларда эртага келажак авлод вояга етади. Биз бугун оила тўғрисида қайғурмасак, унинг ижтимоий аҳамиятини оммага тўғри тушунтира олмасак, келажак ҳақидаги барча гўзал орзуларимиз саробга айланиши мумкин.

Бугун ўзбек оиласида вояга етаётган йигит-қизларимиз эртага бизнинг давомчиларимиздир. Олиб бораётган барча ислоҳотларимиз, қураётган адолатли жамиятимиз ва энг асосийси, мустақиллигимиз тақдири ҳам мана шу фарзандларимиз қўлидадир.

Ўзбекистон ХДП МК ҳузуридаги ёшларнинг «Истиқбол» клубида ўтказилган давра суҳбати худди мана шу долзарб мавзуга бағишланди. Оиланинг асосини ташкил қиладиган меҳр-муҳаббат, ўтмишнинг долғали йилларида синовдан ўтган қадриятларимиз бугун қай аҳволда? Оила қураётган ёшларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги қай даражада? Юқорида қўйилган саволларга жавоб топиш учун бу ерга йиғилган ёшлар ва уларга йўл-йўриқ кўрсатиш ниятида ташриф буюрган «Оила» илмий-амалий маркази директорининг ўринбосари Даврон Холиқов, «Ижтимоий фикр» маркази директорининг ўринбосари Марат Ҳожимуҳамедов, Адлия вазирлиги бўлим мудири Гулбаҳор Бобожонова, Тошкент шаҳар «Маҳалла» хайрия жамғармаси ижрочи директори Ақида Азизова ва бошқалар ёшларни ўйлантираётган муаммолар ҳақида йиғилганларга ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Ёшларнинг саволлари ёки катталарнинг фикрига нисбатан эътирозлари бўлиши табиий. Бинобарин, бу ерга йиғилганлар оила ҳақида одилона бир сўз айтиш мақсадида келганлар.

Мутахассисларнинг фикрига қараганда, бугунги кунда айрим оилаларнинг бузилиб кетишига асосий сабаб — фарзандсизлик ёки баъзи арзимас ҳаётий муаммолардир. Бу катта ҳаётга тайёр бўлмаган ёшларнинг ота-оналарини ташвишга солиши керак.

Ёшларнинг бу галги йиғини ҳам уларнинг ўзига хос ҳаяжон, туйғулар тортишуви билан кечди.

Бир сўз билан айтганда, бутун бир мамлакат соғлом авлод орзуси билан яшаётган шу кунларда ўтказилган бу «давра суҳбати» йиғилганларда яхши таассурот қолдирди.

■ **Фарруҳ ҲАМРОЕВ**

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**



560 ЙИЛ

2-3-бетлар

МЕНИНГ 10 ЙИЛЛИГИМ

ЁШЛАРГА АЙТАР СЎЗИМ

Курбон ЮНУСОВ, маҳалла уруш ва меҳнат фахрийлари оқсоқоли

Етмиш тўрт баҳорни кўрдим. Оллоҳга шукр, табаррук инсонлар сафидаман. Етти ўғил, икки қизни вояга етказиб, ували-жували бўлиб ўтирибман. Зеро, ўтган умрим мобайнида бу бош нималарни кўрмади дейсиз. Лекин мен кейинги ўн йиллик ҳақида фахр ва ифтихор билан сўзлагим келади. Боиси, мен шу йиллар мобайнида кўпроқ изза-икром, эътибор топдим. Узоққа бормай, маҳаллаларни олайлик. Илгари маҳаллада нима гап, дейилса, эътибор ҳам қилинмасди. Маҳалла оқсоқолининг ҳақ-ҳуқуқлари анчайин чекланганди. Энди-чи, маҳаллалар том маънода аҳиллик, одамгарчилик, тарбия, қолаверса, ижтимоий ҳимоя қўрғонига айланган. Шунинг учун ҳам маҳалла давлат ичидаги давлат, ватан ичидаги ватан деб ардоқланмоқда. Булар бежиз эмас. Сабаби, барча яхшиёмонликлар маҳаллада аён бўлади. Ҳар бир хонадон ва оилани кузатишга, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишга, айниқса, ёшларни бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига, уларни илмга, ҳунарга жалб этиш учун имконият бор.

Мени ҳайратга соладигани шундаки, Юртбошимизнинг донишмандлик билан олиб бораётган саъй-ҳаракатлари туфайли ёшлар тарбиясига ниҳоятда катта аҳамият берилмоқда. «Ёшларни ҳеч кимга бериб қўймаймиз», «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» каби ҳикматли сўзлари ҳар бир йигит-қиз қалбини жунбушга келтириши табиий. Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Айрим ёшларимиз адашиб, бемаъни йўлларда мақсадсиз ҳаракатлар бошлаб, халқимизнинг нафратига учраганда ҳам Юртбошимиз узр сўраб келганларни авф этиш ҳақида фармон бермадиларми? Ва ниҳоят яқиндагина ёшлар тарбиясига оид ниҳоятда йирик ва муҳим йиғилиш бўлди. Дарвоқе, барча эзгуликлар, келажаги буюк давлатни барпо этиш йўлидаги уринишлар, қолаверса, юртимизни жаҳоний обрў-эътибори фақат ёшларимизнинг камоли билан боғлиқдир. Улар сўзсиз жисмоний ва руҳий баркамол, илмли ва ҳунарли бўлишлари ҳамда азалий қадриятларимизни эъзозлаб, бой-маънавий меросимиз билан фахрланишлари зарур.

Албатта, хом сут эмган бандамиз. Хато қиламиз. Лекин гап шундаки, хатони такрорлашга йўл қўймай, ундан сабоқ чиқариб, ўнгланишга интилсак, бу инсонийликдан нишона бўлади. Бир қилинган айбни яна такрорласак гуноҳи азимга йўл қўйилади. Шу маънода Зангиота туманидаги Ўртаовул қўрғонида барча маҳалла оқсоқоллари йиғилишди. Туман ички ишлар бўлими бошлиғи муовини Сулаймон Соатов, туман «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошлиғи Файзулла Исматов, хотин-қизлар қўмитаси ҳамда маҳалла фаолларию оқсоқоллари ўз мулоҳазаларини ўртага ташлашди. Гап ҳушёрлик ва огоҳлик ҳақида борди. Диний экстремистик гуруҳларга адашиб кириб қолган ёшларимизни тўғри йўлга бошлаш ҳақида аччиқ гаплар айтилди. Шунда йўлдан адашганлардан бири Шокир Ғиёсов бу борада мутлақ тавба қилганлигини тан олди. Алишер Фозилов деган йигит ҳам узр сўради. Уларнинг иккаласи маҳаллага, юртга, Юртбошига бундан буён содиқ қолишлари ҳақида сўз беришди. Бундай пайтда ўйлаб қолсан: биз кексалар ёшларни нима учундир саврга, яъни имонли бўлишга ўргатмаяпмиз. Иймонли одам ҳамиша шукрона билан яшайди, ҳасад қилмайди, эзгулик йўлида собит туради. Сўзимни мухтасар қиладиган бўлсам, илоҳим, ёшларимизни йўлдан адаштирмасин, ёмонларга эргаштирмасин, яхшиларга ёндаштирсин. Халқимизнинг қадами қутлуғ, мартабаси улуғ, юзи ёруғ, дили равшан бўлсин.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ФЕРМЕР БОЙИГАНИ — ЭЛ БОЙИГАНИ»

«Ўзбекистон овози»нинг 2000 йил 16 май сонида чоп этилган «Фермер бойигани — эл бойигани» сарлавҳали мақола республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Жиззах вилоят Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг мутахассислари билан биргаликда ўрганиб чиқилди ва қуйидагиларни маълум қилади:

Зарбдор тумани нефть корхонаси фермер хўжаликларига тегишли бўлган 9 миллион сўм маблағ ҳисобидан фермерларга ёнилғи маҳсулотлари етказиб берган.

Арнасой туманидаги «Миришкор» фермер хўжалиги раиси таклиф қилган «Улуғбек» буғдой нави уруғини кўпайтириш мақсадида Арнасой туманидаги «Наманган» ва Жиззах туманидаги А. Навоий номидаги жамоа хўжаликларида экилиб, синаб кўриляпти.

«Жиззахпахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик бирлашмаси тақдим қилган маълумотномага кўра, 1997 йилда давлат харид баҳосига нисбатан жаҳон бозорида толанинг нархи кам белгиланганлиги сабабли давлат харид баҳосини қоплама-ди, шу сабабли тола учун 1997 йилдан буён қўшимча тўланмаган.

Арнасой туманидаги «Турон» фермер хўжалиги раиси сўзларида қайд қилинган ёнилғи маҳсулотлари таъминотини яхшилаш бўйича туман фермер хўжаликлари уюшмаси қошида фермерларга хизмат кўрсатувчи ёнилғи қуйиш шаҳобчалари ташкил қилинди. Бундан ташқари республикадан қўшимча фонд ажратилиб, фермерларни ёнилғи маҳсулотлари билан таъминлаш яхши йўлга қўйилди.

«Лочин» фермер хўжалиги раиси ўз фикрида билдирган бюджетдан ажратилган 7,5 миллион сўм маблағ ҳисобидан ёпиқ зовурларни очиш ва таъмирлаш ишлари охирига етказиляпти. Шунингдек, фермернинг МТПда қолган 170 минг сўм маблағи ҳисобидан фермер хўжалигининг ғалласини ўриш ва ерларини шудгорлаш хизматлари кўрсатилган.

Мазкур мақолада кўтарилган масалалар ва муаммолар вилоят Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси мутахассислари томонидан доимий назоратга олинган.

■ **Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари С. БЕГАЛИЕВ**

9 ФЕВРАЛЬ — АЛИШЕР НАВОИЙ

КИ ҲАР ИШНИКИ ҚИЛДИ ОДАМИЗОД, ТАФАККУР

Неки мен дедим муҳаббатдин эди...

Навоий. «Лисонут-тайр»

Навоийнинг тафаккур оламида дунё фалсафасининг барча донишмандлик ва оқилликлари баралла зуҳурланиб туради. Ҳа, Навоий ҳақида сўз кетганда қуруқ тафаккур ёки қуруқ ғоялар эмас, балки жаҳон фалсафаси туғилгандан ва инсониятга қандай яшаш тўғрисида сўз айтаётганидан буён вужудга келтирган тафаккур оламига боғлаб фикр юритиш ўринлидир. Навоий инсоннинг инсониятга дахлдорлиги ва фалсафанинг энг бирламчи тушунчаси одамийлик тўғрисида ўзига, замонасига, ўзидан илгари ўтганларга ва маданий тарих саҳифаларига кўнгил гавҳарини чироқ қилиб кириб ўз қарашлари, нуқтаи назарларини баён этади.

Навоийнинг тафаккур оламида унга тобе қаламравдан тўкилган фикр одамни ва ҳаётни фақат яхшилашга қаратилган. Навоий катта маънодаги одамийликни қуёш деб қараркан, бу қуёшга солинган барча йўлларда ақл ва адолат карвонлари тиним билмай ҳаракат қилади.

Эътибор берганмисиз? Навоий ҳамма ҳолларда ва ўзининг барча ҳаётий мақоматларида худди... ҳа, худди Худо назар солиб тургандай ёзади. Сўз унга коинотнинг қаърларидан ёғилиб келаётганга ўхшайди. Гўё унинг қаламини (ЛОГОС) коинот тирик мавжудотга айланиб тутгандай.

Ва Навоийни ўқиётганда одам худди Хизр сувини ичаётгандай бўлади. Ва худди абадий тирикликка мансублик ҳосил этилгандай. Унинг Худо назаридан холи мисраси йўқ. Ҳар сатри, ҳар байтига Худонинг назари тушиб туради. Буни илоҳийлик, ёлғиз диний ёки диндорлик туйғулари, ҳаяжонлари, эътиқодий изланишларнинг муттасил шиддати билангина тушунтириш қийин. Бу илҳомнинг алоҳида туганмас ҳолати ва даражаси. Бу одамийликнинг туганмас илҳоми. Одамийликни муҳаббатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун бу — муҳаббатнинг алоҳида ҳолати. Бунда Мажнун, Фарҳод, Баҳром, Искандар ва Мансур Ҳаллож каби сўфийларнинг бир-бирига ўхшамаган, бир-бирига тенг бўлмаган муҳаббатларининг Навоий қалби дунёсида жамланиши ҳамда яхлит ўта сирли ҳодисага айланишидир. Яна бу дунёнинг азал тартиботни белгилаб, тутиб турган логос — ҚАЛАМнинг Навоийга ато этилган алоҳида ҳолати. Ва бу қолаверса, ўша машҳур ЖОМ, ўша машҳур МАЙ ва уларда одамга кўз ва назар берилганидан бери акс этаётган борлиқнинг ҳолларидан ўзгача завқ, ҳаяжон, шавқларга тўлишдир.

Навоийдаги одамни ҳамиша ҳайратга соладиган ШАВҚ, уни илҳом ҳолатида қамраб оладиган шавқ билан Шайх Мансур Ҳаллождаги доимий зикр, шавқ ҳолати, эътиқодий зокирликлар ўртасида аллақандай яқинлик бор. Навоийдаги яратувчанлик шавқининг табиати Мансур Ҳаллождаги эргаштирувчи шавқнинг табиати ўзаро ғоятда яқин. Навоийда худди Мансур Ҳаллож ва Фаридиддин Атторда бўлгани каби ахлоқий ва эътиқодий майллар ҳосил қилувчи эҳтиросннинг чеки, поёни йўқ.

Мансур Ҳаллож ва Аттор орқали шу олий ижодий шавқ Навоийга мерос бўлиб ўтган кўринади.

Улар қаламни илоҳий деб билганликлари, уни азалий интеллект — ақли аввал деб тасаввур қилганликлари боис, қалам ҳузуридаги шавқ Оллоҳ ҳузуридаги доимий суҳбатдаги шавқ-завқлар билан ажаб тарзда қўшилиб, уйғунлашиб кетади.

Оллоҳнинг назари, Оллоҳнинг борлиғи инсонда доимийдир. Яъни, одам бу илоҳий назар ва борлиқдан бир зум ҳам холи эмас. Оллоҳ, ҳамиша инсонда кифоя қиларлик даражада мавжуд. Шунинг учун ориф инсоннинг Оллоҳга таваккалида туганмас яхшилик ва маърифат зуҳир. Орифлик Худо ва Инсон боғланишини — билиш, ҳис қилиш, маърифат ва илм эса шу боғланишларни оқиллик ва одилликка етакловчи энг зарур ҳол деб ҳисоблайди.

Навоийда одамийлик карвонларидан бирини огоҳлик бошқариб боради. Огоҳлик ҳамма ҳолларда оқиллик ва одиллик билан ҳамкорлик қилади. Инсон коинот маҳсули. Коинот фарзанди. Худо уни ўзидан нусха кўчириб яратган. Америка олимлари яқинда ҳужайранинг нимадан тузилганлигини кашф этдилар. Бу ҳаёт деган нарсанинг нимадан бино бўлганлигини билиш билан баробардир. Улар текширишга муваффақ бўлган зарраларнинг неча миллионлардан бир улушида худди инсон сурати кўриниб тургандек бўлди. Шу кўзга кўринмас зарра ичра одамнинг юраги уриб тургандек эди. Бу мўъжиза одамнинг коинот билан қанчалар чамбарчас боғланганлигини яна бир карра исботлади. Катта олам — коинотда одам — кичик олам — кичик коинот каби яшайди, кичик олам каби вужудга келади ва катта оламда жойлашади. Энг ажойиб томони шундаки, одам кичик олам сифатида катта оламнинг барча бундай ҳолларни, подшоҳнинг адолатини унинг олий маънодаги огоҳлиги билан изоҳлайди ва шу огоҳликда мамлакатнинг қудрати, мустаҳкамлиги, раиятнинг тинчлиги, фаровонлиги ва гуллаб-яшнаши рамзини кўради.

Нақшбандийликда хилват дар ватан деган тушунча бор. Нақшбандийлик тушунчалари, истиҳолалари, қоидалари борасида кейинги пайтларда бирмунча тадқиқотлар юзага кела бошлади. Хилват дар ватан нақшбандийда тариқатнинг ўн битта асос қоидасига киради. У солиқдан ўз ички ватанига доимий тарзда саёҳат қилишни, кичик оламнинг барча қитъаларини кезиш, ёмон хулқлардан халос бўла бориб, яхши, гўзал хулқлар орттира боришни кўзда тутади. Навоий нақшбандийнинг ўн бир ғоятда ўзига хос қоидасининг ҳар бирининг мазмуни, маъноси тагида огоҳлик ётганлигини жуда теран тушунади. Йодкард, бозгашт, нигоҳдошт, йоддошт, хуш дар дам, сафар дар ватан, назар бар қадам, хилват дар анжуман, вуқуфи занои, вуқуфи адад ва вуқуфи қалб ҳолатларининг баринг асл маъноси огоҳлик — Худонинг ва унинг ҳақиқатида огоҳлик ва шу огоҳликни тарбиялаш, уни вужудга доимий ҳолатига айлантириш. Кичик оламнинг нақшбандийликдаги энг улуғ маърифати ана шундан иборат.

Бўлмаса ҳақ ёдидин огоҳлик,
Билки гадоликча эмас шоҳлик...

Навоий тирикликда огоҳликнинг маъносини ҳақ билан бирга бўлиш, унинг ёди билан яшашда кўради. Умрнинг вафосизлиги, унинг учган юлдуздек тез ўтиши, худди шу каби кечиши, кўриниш берган нарсалар саробдек йўқлик сари кўчишини ҳар ўринда таъкидлаб боради. Боқий гўзаллик, боқий ҳақиқат билан фоний гўзаллик, ўткинчи ҳақиқатнинг зиддиятлари асосига ўз ахлоқий, фалсафий қарашларини қуради.

Яна бир ҳақиқат шундан иборатки, Навоий сатрларидан ҳамма вақт Қуръон оятларининг ҳайбатлари ва одамни сакинага чорловчи садолари келиб туради. «Ҳолбуки, охират яхшироқ ва боқийроқдир» (Аъло, 17). Фақат бир шарти борки, одамийликда камол касб этилган бўлсагина, одамийга охират ҳақиқатан ҳам яхшироқ ва боқийроқдир.

Жумла жаҳон фонийи мутлақ дурур
Боқийи мутлақ тиласанг ҳақ дурур...

Сураи «Аъло»да ҳидоят эгаси Оллоҳ, ўткинчи дунёда ўт-ўланларни ундириб чиқариб, сўнг уни қорайган хас-хашакка айлантирганлиги эслатилади. Сўфийлар фалсафий дунёқарашларида ўткинчи дунё — даҳрни бебақо ва хароб деб қараш кўп асрлар давом этди. Навоий бу ўткинчилик ғоясини — огоҳликка чиқарадиган ғояни «Хамса» ва бошқа буюк ахлоқий асарларида бадиий юксак нафосат билан қайд этиб бораркан, ундан ўзининг одамийликда огоҳлик ғоясини ҳар томонлама кучайтириш мақсадида тўла истифода этади. Бу Навоийда жуда юксак фикр ва ғоялар тизими тусини олади.

У Навоий яратган инсон фалсафасининг, Навоий дунёқарашининг таркибий қисмига, бу дунёқарашни мунтазам тутиб турган қуламас қўрғон, минора, устунга айланади. Навоий бу юксак ғояни — унинг юксаклигини таъкидлаш учун ўта муболағадор образлар воситасида муҳрлаб боради.

Навоий огоҳлик қадрияти тушунчаси — ғоясининг моҳиятини шоҳлик-гадолик, ўткинчилик-боқийлик сингари бир-бирига зид тушунчаларга мурожаат этиб, бўрттириб ифодалайди. Бўрттириш қанча кучли бўлса, фикрнинг аҳамияти шунча равшанроқ очилади. Бундай ҳолларда Навоий ҳукмнинг ҳам тасдиқ, ҳам инкор шаклларидан фикрий тизимларида ғоятда усталик билан фойдаланади. Қаршилантиришларнинг гўзал силсилаларида ўз ғоясининг гўзал, жозибадор тасдиқларини очади:

Бўлса гадо тангридин огоҳлиғи,
Бордур анга икки жаҳон шоҳлиғи...

Навоий ривоят қилишича, қадимият подшоҳларидан Иброҳим Адҳам кўнглига ғайб зилзиласи тушиб, тахту салтанатини ташлаб, мулкларини хайлу ҳашамларидан бутунлай юз ўгириб, Каъба зиёратига йўлга тушди. У чўл, саҳролардан пойпиёда ўтиб бораркан, ҳар қадамда икки ракат намоз ибодатини тарк этмай адо этарди. Шу тариқа у ўн тўрт йил деганда Каъба зиёратига етиб келди. Унинг ҳолатида бир ғаройиб ҳодиса содир бўлди. Маккага етиб яқинлашганда, қарайдики, байтул ҳарам ўз ўрнида йўқ. Иброҳим Адҳам фиғон чекиб нола қилади:

— Ё илоҳо, бу недур?

Шунда ғайбдан бир садо келадики, саҳро этагида бир аёл шавқ ва муҳаббат юкидан қадди тамомила дол бўлиб, ожизликдан юришга мадори қолмади. Унинг юролмай қолганини кўриб Каъба уни тавоф қилгали борди. Иброҳим Адҳам қараса, Робия келаётган экан. Ўн тўрт йил кеча-кундуз ибодатда Каъба сари йўл босган Иброҳим ҳайратга тушиб сўради:

— Мен кўп ранж-азиятлар чекиб келдим, лекин ганж сенга насиб бўлди. Бунинг сабабини сен айтолмайсанми, эй Робия?

Робия жавоб берди:

— Огоҳ бўл. Неча йиллар арзи намоз қилиб йўл босдинг. Мен эса арзи ниёз ила илтижо қилиб келдим. Сенга намозу риё самара берди. Бизга ниёзу фано этак тутқазди...

Риёзату машаққатлар тагида риё ва иккиюзламачилик яшириниб ётган бўлса, бу ҳам Худога маълум. Лекин ўз меҳнат-машаққатларига ҳеч қандай мукофот кутмаган, балки муҳаббати ва ниёз даъвати билангина йўлга чиққан Робиянинг холис ихлосига Каъба таъзимга чиқди.

Робиянинг, шоҳлигини фақирликка алмашган Иброҳим Адҳамга қарата: «Огоҳ, бўл!» — дейишида Навоийнинг севган шиори бор.

Навоий назарида Робиянинг муҳтожлиги — ниёзи, илтижолари Иброҳим Адҳамнинг ранжу риёларидан беҳад кучлироқ. Бепоён улуғ осмон кўз ўнгида эса бу беҳад мақбулроқ, марғуброқ. Шунинг учун Каъба чин ёлвориш ва илтижога пешвоз келади.

Муштоқлик, илтижо, муҳтожлик, яъни ниёзнинг қадри Навоий дунёқараши ва ғояларини тизимларида жуда олийдир. Навоий риёсиз огоҳликни энг юксак фикр, ҳаракат тарзида улуғлайди ва уни ўз ранг-баранг қаҳрамонлари сийратлари ва сиймоларида бирин-бирин кашф қилади.

Махлас иши барчаға ниятдадур,
Топмоқ ани лек машиятдадур...

Навоий жуда улуғ мақомдаги фикрларини мана шундай ўта содда ва ўта ҳикматли тарзда ифодалашда тенгсиздир. Ихлос иши кўнгилдаги ниятга кўра бўларкан. Лекин ниятга етишмоқ фақат ҳаракат ва инсон ғайратигагина боғлиқдир.

■ **Иброҳим ҒАФУРОВ**

Алишер НАВОИЙ

ҒАЗАЛ

Йиғласам, кўнглумга ишим оҳи дардолуд эрур,
Ўтқаким ёмғур ёғар, онинг нишони дуд эрур.
Лаъли шавқидин кўнгул хурсанд эрур хуноб ичиб,
Телбага рангин сув берса, май дебон хушнуд эрур.
Юз аёғи туфроғидин олмон ушбу важҳ ила,
Ким неча туфроғ ичинда турса олтун, суд эрур.
Чиқмас оҳим шиддатидин ул маҳи хиргаҳнишин,
Шамъға фонус елдин асрамоқ мақсуд эрур.
Васлин истаб кўп инолдим, қовди кўйидин мени,
Бўлса мубримшева, албатта, гадо мардуд эрур.
Талх майдин, соқиё, топти чучук жоним ҳаёт,
Эй басо макруҳким, зимнида бир беҳбуд эрур.
Телба итдекдур Навоий ул паривашсиз, не тонг
Оғзидин гар ўт сочиб, аъзоси гардолуд эрур?

РУБОИЙЛАР

Гул борди эса, чаман муаттар бўлсун,
Шамъ ўчти эса, қамар мунаввар бўлсун.
Шаҳзодаға гар равза муяссар бўлди,
Султонға жаҳон мулки муяссар бўлсун.

***

Эйким, борасен, кўнгулни қайтарғил ахи,
Бедиллиқ ўтидин мени қутқарғил ахи.
Ё тиғ чекиб тўш-тўшидин ёрғил ахи,
Бир порасини бизга бериб, борғил ахи.

***

Ҳар зулф хамиға қилма вобаста мени,
Ҳар кўз ҳавасидин этмагил хаста мени,
Ҳар қош тамаъиға солма пайваста мени,
Ё раб, борисидин айла вораста мени.

НАВОИЙ — БИЗНИНГ ОГОҲЛИГИМИЗ

СОҒИНИБ ЎҚИЙМАН

Кеча тунда кўзларимга уйқу келмади. Ушбу жумла тезда кимнидир қай бир хаёллар оғушига етаклаб кетса керак. Менинг хаёлимдан ҳазрат Навоий ўта бошлади, ўрнимдан турдим-да ул буюк зотнинг бир китобини қўлга олдим. Яна хаёл дарёси мени ўз ўзанига олиб, «Биз бу зотни қандай ўқидик, қандай уқдик ва биздан кейинги авлод қандай ўқийди» деган саволлар чулғади.

Ҳазратнинг тўғри келган ғазалини ўқий бошладим: (Китоб шу варақда кўп очилган бўлса керак)

«Гул сочар боғ аро, сарви равоним келди-му?
Жон иси гулдин келур, ороми жоним келди-му?»

Ушбу мисралар ўқилар экан, Навоийнинг бир гўзал боғ аро қўлида чиройли бир жилд китоб ушлаган сиймоси кўз олдимдан ўтди. Енгил сабо шоирнинг юзига урилар, узоқ-узоқларга тикилган нигоҳ ул зотни афсонавий бир сиймога айлантирар эди.

Ҳа, бу кўриниш, мисраларнинг бу хилдаги ўқилишини ҳам давом эттирса бўлади. Руҳшунослик фани ва унинг тегишли қонун-қоидаларига асосан Навоий ушбу ғазални ёзганда ундай ҳолатда, бундай кайфиятда бўлган деб ҳам ҳукм чиқарса бўлади ва бевосита ғазал мисраларидан далил келтириб исботласа ҳам бўлар.

«Беҳуд эрдим айтгали кўнглум, ч у келдим ҳолима,
Айтинг: ул оворайн бехонумоним келди-му?

Ушбу мисралардан ҳатто Навоий кутган зот ҳақида ҳам фикр юритиш мумкин. Аммо, бу энди, юмшоқ қилиб айтганда «ўтлаб кетиш» бўлади.

Чунки у ҳолда навбатдаги мисралар орқали биз ҳазрат билан **«Қолмиш эрди хаста жон кирганда мен майхонага»**, деймиз-у ҳазратнинг ушбу буюк қаторларидаги майхонага шўнғишимизга тўғри келади.

Мисраларнинг мағзига етиш учун уларни қайта-қайта ўқийман:

«... ороми жоним келдиму?
... бехонумоним келдиму?
... ул заиф нотавоним келдиму?
... номеҳрибоним келдиму?
... ул осойиши руҳу равоним келдиму?
... ул зори беному нишоним келдиму?
... неча айтиб ул ёмоним келдиму?»

Мана бу чизгилар буюк сўз устасининг «соғинч» тушунчасига тортган мўйқаламининг излари ва изоҳларидир. Улар шу даражада кучли жилога эгадирки, қараган сари қарагинг, ўқиган сари ўқигинг, ўқиганда ҳам фақат унсизгина эмас, оҳ тортиб бутун овозда баралла нола қилиб юборгинг келади ва ўзўзингча кўзларингнинг намларини артиб соғинчнинг рангин жилоси мана шу бўлса керак дейсан-да, китобни ёпиб ҳаёт ташвишларию ҳаёт соғинчини қидириб қувлаб кетасан.

Билмадим, мен Ҳазрат Навоийни шундай, ҳаётни соғингандай соғиниб ўқийман.

■ **Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ**

Навоий музейи доимо шоир ижодининг мухлислари билан гавжум.

«РУҲ

Алишер Навоийнинг ғазалларидан бирида шундай гап бор:

Дедим: назм аҳлининг сарҳайликим бўлғай, деди ҳотиф:
Навоий бўлғай, улким сен тилайдурсен агар бўлғай.

Ўша ҳотиф — ғойибдан овоз бергувчи заррача ҳам адашмаган. Навоий ҳақиқатда ҳам шоирларнинг сардори — барча давр туркий шеъриятининг султони эрур. Алишер Навоий шеърияти санъаткорликнинг буюк мактабигина эмас, ҳақиқий мезони ҳамдир. Навоий ижод тажрибаларига таяниб адабиёт тараққиёти ҳақида мулоҳаза юритишимиз ёки «Шоир ким, унинг асосий ҳунари нима?» — деган сўроққа аниқ жавоб топмоғимиз мумкин. Мен соҳо Навоий яшаб ижод қилган даврни ўзимча хаёлан тасаввур айлаб, Ҳазрат шеъриятининг ўқувчилари, мухлисларини бирма-бир кўз олдимга келтиришга уринаман. Улар кимлар? Энг аввало, шоирлар, ижодкорлар — гўзаллик ва шеъриятнинг сир-асрорини ҳам, қадр-қимматини ҳам чуқур англай оладиган кишилар. Кейин илм аҳли — Навоийга олимларнинг — шоири, шоирларнинг — олими деб қараган, Навоийни илм-фаннинг толмас муҳофизи, буюк маърифатпарвар ўлароқ эъзозлаган олиму уламолар. Яна бир тоифа: Навоий асарларида фалсафанинг энг мураккаб, энг долзарб муаммолари шеър тили ила бағоят гўзал тарзда талқин қилинишига файласуфлар тан берган.

Хуллас, Алишер Навоий шеърият гултожидан баҳрамандлик кўнгил эҳтиёжи бўлиб қолган мусаввирлар, муғаннию ҳофизлар, давлат ва ҳокимият соҳиблари, ҳақ йўлчилари — дарвеш, фақир, ориф ва ошиқлар, мадраса талабалари, дин ва шариат вакиллари, косиблар, ҳунармандлар, деҳқонлар...

Эҳтимол, бу қайдлар кимларгадир эриш туюлар. Лекин эриш туюлмаслиги керак. Оддий китобхонни қўя турайлик. Шоир — шоирнинг, ёзувчи — ёзувчининг ёзган нарсасини ўқимай қўйган замонда, ўқувчининг дид, савия ва ички талаблари деярли унутилган бир даврда, кўпчиликнинг Навоийга қизиқиш сабаблари тўғрисида ўйласа асло зарар қилмайди.

Дарвоқе, бундан бир неча йил аввал матбуотда «Навоий хослар шоири», деган бир фикр айтилган эди. «Хослар» — алоҳида тоифа демак. Одатда аҳли тасаввурга хослар дейилади. «Аъхос» — хосларнинг хоси, «хос» — сараланган кишилар жамоаси ёки маъни эранлари, «авом» — саводсиз ёхуд саводи паст оддий халқ, «аъом» — авом даражасига ҳам кўтарилмаганлар гуруҳи. Булар тасаввуфий истилоҳлар. Шунинг учун на тасаввуф нуқтаи назаридан, на илм, савия, маданият мезонига кўра Навоийни «хос»лар шоири дейиш ҳақиқатга мутлақо мувофиқ келмайди. Навоий шоҳнинг ҳам, гадонинг ҳам, ошиқнинг ҳам, орифнинг ҳам — ҳамма-ҳамманинг шоири. Навоий шеъриятидан ким нимани ахтарса, шуни топади. Фикран ва руҳан ким нимага тамақоми замин одамига насиб этмайдиган бир юксакликка ўхшаб туюлади. Тўғри, комил инсон мартабасини эгаллаш сермашаққат — риёзат ва назоратни талаб этадиган иш. Тасаввуфий мазмундаги комиллик шартлари янада оғирроқ. Лекин Навоий масалани мураккаблаштирмайди. Аксинча, ҳар қандай мураккаблик ва қийинчиликни осон ҳал қилиш йўли ёки усулларини кўрсатади. Шулардан бири, эҳтимолки биринчиси, комиллик даъвосини дилдан супуриб ташлаб ноқисликка нигоҳни қаратиш, яъни ўз нуқсонларининг мушоҳадасига киришиш:

Ноқис улдурким ўзин комил дегай,
Комил улким нуқсин исбот айлагай.
Ўз камолидин демас аҳли камол
Аҳли нуқсон ичрадур бу қилу ҳол.
Сенки нуқсон ичра комилсен, басе,
Олим айтиб ўзни, жоҳилсен басе,

— дейди шоир. «Нуқсон ичра комил»лик дегани нима?

ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

БИРЛА БИЛДИ ОДАМИЗОД

Санъатнинг турлари кўп, лекин ҳеч бири адабиётчалик серқирра, имкониятлари мўл ва дилга яқин эмас. Чунки адабиёт — Сўз санъати. Сўз эса илоҳий қудратга эга. Зеро, олам ҳазрати Инсон учун Сўз воситасида яратилган. Сўз шаклига киргунча улар воқеликка айланмаган имконият эди. Сўз айтилгач, ўн саккиз минг олам пайдо бўлди, Инсон яралди. Ва Сўз айтиш қобилияти яратиқлар ичида фақат инсонгагина ато этилди. Сўз шундай илоҳий қудратга эгаки, у билан рангларни тинглаш, товушларни кўриш мумкин. Алишер Навоий шу қудратни ўзига бўйсундира, измига юрита олган даҳо ижодкордир.

Ҳеч қайси ижодкор асарларида ҳазрат Навоийчалик кўп сўздан фойдаланмаган. Навоий бобомиз ижодида сўз ўзининг барча қирралари билан намоён бўлади. Руҳ ҳолатини чизиб беришга, туйғуларни моддийлаштиришга хизмат қилади, бирданига бир неча рамзий маъноларни ифодалайди. Шоирнинг шундай ғазаллари борки, уларда Сўз ўзининг бутун жилвалари, ранг, оҳанг товланишлари билан гавдаланади, кўнгилнинг нозик манзараларини, ҳижронзада хаста руҳ рангини тил бўёқларида кўринадиган қилиб чизади:

Сориғ оғриқ бўлдим, эй соқий, хазони ҳажр аро,
Қони асфар майки, бор ҳар қатраси бир қаҳрабо.

Ёр васли тириклик суви каби эди, у бўлмагач ошиқ умидлари ҳажр фаслида сарғайиб хазон бўлди ва бу хазон фаслининг қақшатқич совуғидан хасталаниб, сариқ касалга чалинди. Ишқ дардини бироз енгиллатиш, ҳажр аламини бироз бўлса-да унутиш учун соқийга май қуй демоқдаки, унинг ҳам ҳар қатраси қаҳрабо каби сориғ. Тасаввуфий шеъриятда соқий образи ошиқни ёр васлига эриштирувчи пир тимсолини англатади, май эса висол. Чунки май ичиб беҳуш бўлган ошиқ ўзини унутади, ақлидан бегона бўлади, кўнгилу туйғу билан қолади. Тасаввуфий Ёр васлига эса кўнгил билан хаёлда етиш имкони туғилади. Ошиқнинг ишқи шунчалар зўр, васлга етиш иштиёқи шунчалар баландки, соқийга ҳижрондан қаҳрабога айланган қонини май ўрнига суз, дейди. Маълумки, жигар қон ишлаб чиқувчи орган, сариқ касали эса жигар хасталанишидан бошланади. Демак, қон ҳам ўз рангини йўқотиб сарғайган. Лекин қон май ўрнини боса оладими?

Ошиқ ҳар дам ёр фикри билан, унинг ёди билан машғул. Ёр ёди унинг жон-танига, қонига сингиб кетганки, оқибатда унинг фикри, ҳажри билан хасталанган қон асфар майга айланади. Уни қатралаб ичган ошиқ сархуш бўлади. Негаки, энди ошиқ қони қон эмас, у маъшуқа ёдига айланиб бўлган. Аста-секин май нўш этиш билан ошиқ ўзини йўқ қилади, зеро ишқнинг бош талаби ўздан кечишдир. «Ўзингдан ўтдинг — етдинг», — дейишади дийдорталаб ошиқлар.

Юзу жисмимдур сориғ барге қуруғон шох уза,
Шоху барге қуруб сорғорса, ким кўрмиш даво?

УЙҒУНЛИК

Шеъриятда инсоннинг дарахтга менгзатилиши учраб турадиган ҳодиса. Унинг тириклиги, кўм-кўк бўлиб яшнаб туриши эрка руҳ қўлида. Аммо руҳ ошиқ ихтиёрида эмас, у ёрга интилади, қон сингари унинг мулкига айланиб бўлган. Руҳ жисмни тарк этгач, жисм қурий бошлади, ошиқнинг юз-кўзи, бутун вужуди сарғайиб, хазон бўлди. Зеро, қуриган шохда яшил япроқ бўлмаслиги кундай равшан. Дарднинг давоси ягона — висолга ташна руҳ чанқоғини қондириш, аммо бу — имконсиз. Негаки, даволаш ихтиёри тошбағир ёрда. Ошиққа эса қуриб битишдан ўзга йўл йўқ.

Не мараздур буки, бир гулруҳ шарори ишқидин
Бўлди сориғ лола кўзум оқию доғи қаро.

Вақт ҳар қандай дардга даво, дейишади. Аммо ошиқнинг ҳоли кунба-кун ёмонлашиб бормоқда. Қонидаги касаллик унинг кўзига ўтди. Кўз — кўнгил ойнаси. Гул юзли ёр ишқининг ҳароратидан кўз оқи сариқ лола бўлса, қорачуғи лола тубидаги қора доғдир. Демак, ишқ ўтидан қуриб сарғайган кўнгилда ҳижрон доғи бор. Англаш ва англатиш ғоят мушкул бўлган руҳ ҳолатини табиатдаги бир ранг воситасида шунчалар нозик илғаб, чизиш ўта мушкул. Сўзни бутун жозибаси билан ҳис қилиш ва ҳисларини ифодалашга тўла сафарбар қилишнинг нодир намуналарини Навоий асарларидан ҳам дарддан қутқаради.

Сорғориб қолдим ҳаводис гозиға ҳижрон куни,
Бир сориғ қушдекки, кундуз қолғай ул қушлар аро.

Ҳижрон куни ҳодисалар чалкашлигидан, адолатсизлигидан мунғайиб, сарғайиб қолган ошиқ ҳолати тунда учадиган сариқ қушнинг кундузи бегона қушлар орасига тушиб қолгани каби таъсир қилади. Шоир бу ўринда ҳам сўфиёна мажоздан фойдаланади. Мумтоз адабиётда қуш инсон моҳияти, руҳининг рамзи ҳисобланади. Ошиқнинг шикаста руҳи кундуз кунлари соғлом қушлар — ишқ яралмаган одамлар билан бирга бўлиш керакки, бу ҳажр жароҳатларидан да қўрқинчлироқдир. Ошиқлар ихтиёрида эса фақат тун, халқ достонларида бекорга: «ошиқнинг фаҳмидир қоронғу кеча», — дейилмаган.

Шом ила субҳ ар сориғ оғриғ эмаслар, бас недур,
Тун сочин ёйиб, қуёш йиртиб юзин, тутмоқ азо?

Қора тун кўп шеърларда маҳбубанинг ёйилган сочига ўхшатилади, ёйилган соч — аза белгиси. Эҳтимол, қоронғу кечада ёр ширин уйқуда бўлганлиги боис ошиқ ҳижронда аза тутаётгандир? Қуёш эса тонгда чиқибоқ юзини юлиб йиғлайди, чунки кундузлари ёр орази бегона назарлардан ниҳон бўлади.

Дард туфроққа ниҳон қилди Навоий жисмини,
Топибон бир шуша олтин дафн қилғондек гадо.

Давосиз дард — висолсиз ҳажр охир ошиқни маҳв этди. Уни ўз аслига — тупроққа қайтардилар. Худди қуйма олтин топган гадо уни ерга кўмиб қўйган каби дард чека-чека жисми заиф тортган, дарду ҳижрондан вужуди сарғайган ошиқни ҳам тупроққа дафн этдилар. Гадо учун фойда келтирмаган олтин сингари маъшуқа ҳажрида абгор ошиқнинг умри ҳам бесамар якун топди. Ошиқ қалбнинг дард билан бошланган ҳасратли ноласи дардли якун топди. Биргина «сариқ» сўзи ифодалайдиган ранг воситасида инсон руҳиятидаги бир олам яширин туйғуларни акс эттириш, уларни киши ҳиссиётини қўзғайдиган, уни мувозанатдан чиқарадиган тарзда ифодалаш учун сўзнинг имкониятларидан бемисл санъаткорлик билан фойдаланиш тақозо этилади. Ҳазрати Алишер Навоий, шубҳасиз, шундай санъаткордир ва унинг шеъриятида англаб етилиши зарур бўлган қирралар саноқсиз. Шу сабабли Навоий асарлари ўз жозибасини йўқотмаган, улар ҳамон ўқилмоқда. Катта нарсани бутун кўлами билан фақат узоқдангина кўриш мумкин бўлгандай, Навоий деган буюк, оламшумул ҳодисани салкам олти аср наридан кузатиш у яратган бадиий хазина қимматини чуқурроқ англаш имкониятини беради.

■ **Муҳайё ЙЎЛДОШЕВА,**
ЎзМУ магистри

Алишер Навоийнинг ўлмас асарлари ўқувчиларда ҳамиша қизиқиш уйғотиб келмоқда.

■ Шавкат АКРАМОВ олган сурат

«БЕКТЕМИР УНИВЕРСАЛ БОЗОРИ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

жамиятнинг умумий мажлиси 2001 йил 10 март куни соат 15.00 да Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, Кўйлиқ деҳқон бозори, II блок, 2-қаватда бўлишини ўз ҳиссадорларига маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Акциядорлик жамиятининг 2000 йил иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи.
2. Жамиятнинг 2000 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.
3. 2000 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. 2000 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тасдиқлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.
5. 2001 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
6. 2001 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш.
7. Кузатув кенгаши таркибига киритилган ўзгартиришларни тасдиқлаш.
8. 2001 йилдаги фаолиятда ижара ҳақлари 1,5 баробарга оширилишини тасдиқлаш.

Акциядорлар соат 14.00 да рўйхатга олинади.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 195-17-39, 195-28-10.

«БЕКТЕМИР УНИВЕРСАЛ БОЗОРИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ФАОЛИЯТИНИНГ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТИ

2000 йилга — **минг сўм**

Кўрсаткич номи	*№ бет*	*Ҳисобот даври охирига*	*Кўрсаткич номи*	*№ бет*	*Ҳисобот даври охирига*
АКТИВ			Тақсимланган фойда (қопланмаган зарар)	350	27542,0
АСОСИЙ ВОСИТАЛАР:			Мақсадли тушум ва фондлар	360	211663,2
Бошланғич (қайта-тиклаш) қиймат (01,03)	010	733508,5	Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар	370	1956,3
Эскириш (02)	011	29498,5	1 БЎЛИМ БЎЙИЧА ЖАМИ	390	962324,7
Қолдиқ қиймати	012	704010,0	**МАЖБУРИЯТЛАР:**		
Капитал қўйилмалар (07,08)	030	29401,8			
Узоқ муддатли инвестициялар (06)	080	100000,0	-мол етказиб берувчилар	450	1200,3
1 БЎЛИМ БЎЙИЧА ЖАМИ	110	833411,8	-бюджет бўйича қарзлар	460	1901,8
ОБОРОТ АКТИВЛАРИ:			-меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар	470	1499,5
Ишлаб чиқариш заҳиралари	120	13730,3	-ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарзлар	480	785,3
Олиб сотиладиган товарлар	150	11565,8	-бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар	500	28,5
Келгуси давр сарфлари	160	178497,8	-бошқа кредиторлар	530	121859,3
Пул маблағлари	170	14497,9	2 БЎЛИМ БЎЙИЧА ЖАМИ	540	127274,7
ДЕБИТОРЛАР: Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар	220	32044,5	БАЛАНСНИНГ ПАССИВИ БЎЙИЧА ЖАМИ	550	1089599,4
Таъсисчилар билан ҳисоблашишлар	280	100	Кўрсаткич номи		Кўрсаткичлар
Бошқа дебиторлар	290	5731,3	1. Маҳсулот сотишдан тушган тушум		297012,6
2 БЎЛИМ БЎЙИЧА ЖАМИ	300	256187,6	2. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси		123195,5
БАЛАНС АКТИВИ БЎЙИЧА ЖАМИ	310	1089599,4	3.Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси		151478,5
ПАССИВ			4. Ҳисобот давридаги соф фойда		26738,5
Низом капитали	320	720321,1			
Қўшилган капитал	330	842,1			

«БЕКТЕМИР УНИВЕРСАЛ БОЗОРИ» ОАЖ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«ЭСКИ ЖУВА ДЕҲҚОН БОЗОРИ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

шуни маълум қиладики, жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиллик йиғилиши 2001 йил 12 март куни соат 10.00 да бозор ҳудудида жойлашган «Манзура» жамоа корхонасининг биносида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, бозор майдони, 28-уй.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Эски Жува деҳқон бозори» ОАЖнинг 2000 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи.

2. Жамиятнинг 2000 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.

3. Жамиятнинг 2000 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.

4. Жамиятнинг 2000 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.

5. Жамиятнинг 2001 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.

6. Жамиятнинг 2001 йил фаолияти учун жамият аудиторини тасдиқлаш.

7. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида.

Йиғилишда қатнашувчи акциядорлар ёки уларнинг вакилларини рўйхатга олиш 12 март куни соат 9.00 дан юқорида қайд этилган манзилда амалга оширилади.

Акциядорлар реестри 10 февраль куни ёпилади.

Йиғилиш бўйича тайёрланган барча ҳужжатлар билан акциядорлар жамият идорасига мурожаат этган ҳолда танишишлари мумкин.

«ЭСКИ ЖУВА ДЕҲҚОН БОЗОРИ» ОАЖ

2001 ЙИЛ 1 ЯНВАРГА БУХГАЛТЕРЛИК БАЛАНСИ (МИНГ СЎМ)

АКТИВ		ПАССИВ	
Бошланғич қиймати —	343180,8	Устав капитали —	65189
Эскириш —	46464,3	Қўшилган капитал —	259611
Қолдиқ қиймати —	296716,5	Резерв капитал —	52709,2
Капитал қўйилмалар —	167703,8	Тақсимланган фойда —	20631,5
Бошқа қарзлар —	567,2	Мақсадли тушум ва фондлар —	80000
Ишлаб чиқариш заҳиралари —	12538,6	Кредиторлар —	47745
Олиб сотилган товарлар —	21160,8		
Пул маблағлари —	20861,4		
Дебиторлар —	6337,4		
Жами —	**525885,7**	**Жами —**	**525885,7**

Жамият баланси «Осиё аудит» фирмаси томонидан тасдиқланган

«ЭСКИ ЖУВА ДЕҲҚОН БОЗОРИ» ОАЖ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги «Тошчетэлқурилиш» Ҳ. Ж. корхонасига қарашли «69-SON QURILISH BOSHQARMASI» банкротлик ҳолатига тушганлиги сабабли кредиторлар йиғилиши 2001 йил 9 февраль Мирзо Улуғбек ДСИнинг 212-хонасида ўтказилади.

Телефон: 162-17-82

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «КИМЁ» савдо уйи **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъво ва эътирозлар 1 ой муддат ичида қабул қилинади.

Манзил: Буюк ипак йўли, 160 «А»

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти партия Марказий Тафтиш комиссияси раиси, Тошкент вилояти партия кенгаши биринчи котиби С. Х. Аъзамовга опаси **Муҳтарам АЪЗАМОВАнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик изҳор этади.

РАҲМОНИ ЭРУР...»

Бу — нафс панжасидан халос этилмаган ўзлик. Навоийнинг комиллик маслаги нафс ҳукмронлигидан бутунлай озод янги бир руҳоний «Мен» салоҳияти ва қудратига асосланади. Инсоннинг имони ва виждонини ана шу «Мен» ўз тасарруфига олмагунча, у ҳеч қачон комиллик завқига етиб боролмайди. Ҳурлик, эзгулик, ҳақиқат тўғрисидаги иддаолар шунчаки қуруқ гап бўлиб қолаверади. Шарқнинг буюк шоирларидан бири «Оллоҳни жуда очиқ кўришни истасанг, «Мен»ни жуда очиқ кўришга ўрган, деганда нафс учун «ўлган» руҳ учун ҳаёт бошлаган ўша янги «Мен»ни эътиборда тутган.

Навоий бир ғазалида:

Руҳ раҳмони эрур, нафс эрур шайтони,
Иккисин бир-бирига қўшмоқ эмастур машрут,

деркан, худди шу «Мен» тақдири учун жавобгарликка чорлагандир. Инсон қисмати ва маънавиятида тасаввур этиб бўлмас ўзгариш, ғаройиб янгиланишлар ижодкори бўлмиш ушбу «Мен» хусусида сўзлашимизнинг яна бир сабаби бор.

Азизиддин Насофий «Комил инсон» номли китобида ёзади: «Билгилки, комил инсон қуйидаги тўрт нарсага мукаммал шаклда эга бўлган инсондир. Уларнинг биринчиси, яхши сўз, иккинчиси, эзгу фаолият, учинчиси, гўзал ахлоқ, тўртинчиси, илм». Бу тўрт нарсага эришган киши комил бўлиши мумкин, бироқ ҳурлик йўқ бўлмак»дан бошқасини деярли билмаймиз. Ҳолбуки, Навоий девонларидаги неча юзлаб байтлар, бутун бошли ғазаллар фано талқинига бағишланган. Мана, ўша байтлардан айрим намуналар:

Кирсанг фано тариқасиға девонавор кир,
Ул важҳдинки, ақл бу йўлда ақиладур.

ёки

Фано майхонасида қил гадолиғ,
Десангким, бўлмайин султонға муҳтож.

Фано тариқасининг бош талаби ва туб моҳиятини шундай шарҳлаш мумкин: инсоннинг ихтиёр ва иродаси — унинг сифатлари, бошқача айтганда, шахснинг сифатлари унинг ихтиёр ва иродасини ифода этади. Лекин ўзининг башарий иродаси билан у ҳақдан ажраган. Яъни, ирода ўртадаги ҳижоб. Демак, инсон ўз-ўзича ноқислик, ожизлик, кучсизликларини бутунлай енга олиш имкон ва иқтидорига эга эмас. У фоний нарсадан кечиб, боқийга эришмоғи лозим. Ҳақ иродаси ҳам азалий, ҳам қудратлидир. Илоҳий ирода эгаси бўлиш эса, юқорида айтганимиз, одамнинг барча махлуқотлардан буюклиги ва устунлигини намойиш этадиган қудратли «Мен»нинг туғилишидир. Шу учун ҳам Навоий:

Дема жоми фано ичра эзилмиштур ажал заҳри,
Навоий, жон бериб, ул жомни чекмакдур армоним, *— деб ёзган.*

Маълумки, комил инсон тушунчасини тасаввуфга биринчи бўлиб Муҳиддин ибн Арабий олиб кирган ва назарий жиҳатдан асослаб ҳам берган. Унингча, «Инсони комилдан юқори мукаммал бир мавжудлик йўқдир. Бу дунёда «Инсонлар орасида камолга етишмаганлар ҳайвони нотиқ — улар фақат сувратда инсондирлар, холос». Бу фикрлар беихтиёр Навоий бобомизнинг бир қитъаларини келтиради:

Аҳли маъни гуруҳида зинҳор,
Ҳеч ор айлама гадолиғдан.
Ким буларга гадолиғ ортиқдир,
Аҳли суратға подшоҳлиғдин.

Демак, «аҳли маъни» комил инсонлар, «аҳли сурат» комиллик насиб қилмаган кимсалар. Навоий шеърияти комиллик фазилати ва ҳақиқатларнинг мислсиз бир бадиий қомуси. Биз энди унга мутлақо бошқача қараб, мутафаккир бобомизнинг шеър ва достонларини жуда чуқур ва ҳаққоний ўқиб-ўзлаштирмоғимиз зарур.

■ **Иброҳим ҲАҚҚУЛ**

МАТЕРИАЛЛАР ВА АСБОБ-УСКУНАЛАР ТАНЛОВИ (ТЕНДЕР)ГА МАРҲАМАТ!

Қашқадарё Вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси буюртмасига биноан 2001 йилда қуриладиган иншоотлар учун керакли материаллар ва асбоб-ускуналарни тендер савдоси асосида

СОТИБ ОЛАДИ

Тендер савдосида мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилотлар, корхоналар, фирмалар ва қўшма корхоналар қатнашиши мумкин.

№	Маҳсулотлар номи	Русуми	Ўлчов бирлиги	Миқдори
1	2	3	4	5
1	Совутгич шкаф	ШХ 0,8	дона	20
2	Совутгич шкаф	Сино	дона	90
3	Совутгич камераси	КХС-2-610	дона	8
4	Универсал мослама	ПУ 06	дона	6
5	Картошка тозалагич ускунаси	МОК-250	дона	5
6	Сабзавот қирқиш ускунаси	МРО	дона	5
7	Овқат пиширадиган қозон	КПЭ-250	дона	5
8	Хамир қорадиган ускуна	ТММ-1	дона	4
9	Овқат пиширадиган қозон	КПЭ-160	дона	8
10	Нон кесадиган ускуна	МХР	дона	5
11	Нон ёпадиган ускуна	ШПЭС	дона	4
12	Сув қайнатгич	КНЭ-100	дона	7
13	Сув қайнатгич	КНЭ-50	дона	6
14	Электр плитаси	ПЭ-051	дона	14
15	Қовуриш шкафи	ШЖЭ-085	дона	8
16	Қовуриш қозончаси	СЭ-045	дона	5
17	Аппарат	АПЭ-023	дона	5
18	Қозон	УЭВ-60	дона	10
19	Овқат тарқатиш тизими	ЛПС	кт	5
20	Ошхона столи	СП-1200	дона	36
21	Касса аппарати	ОКА	дона	5
22	Ювиш ваннаси	ВМСМ	дона	40
23	Ошхона столи	СП-800	дона	35
24	Универсал стеллажи	СП-800	дона	20
25	Тарози	РП-150	дона	8
26	Электрқуритгич	ЭРА	дона	15
27	Ювиш ваннаси	ВСПМ	дона	20
28	Электр плитаси	П-бытов	дона	7
29	Трансформатор подстанцияси	КТП 63/10	кт	4
30	Трансформатор подстанцияси	КТП 100/10	кт	8
31	Ажратгич	РЛНД/10	дона	15
32	Тран. п-ст 10 кв	2 ГКТП 400/10	кт	1
33	Трансформатор	ТМ 400/10	дона	8
34	Камера	КСО 386	кт	3
35	Тарқатиш шити	ШО 70-1 уз	кт	3
36	Сув иситиш қозони	энком 2	кт	3
37	Сув иситиш қозони	5 W1115-80	кт	2
38	Сув иситиш қозони	5 W1115-90	кт	2
39	Сув иситиш қозони	5 W1115-100	кт	2
40	Сув иситиш қозони	АКВГ	дона	30
41	Электр симлари	ППВ 2х2,5	км	54500
42	Электр симлари	ППВ 2х2,5	км	89700
43	Электр симлари	ППВ 2х1,5	км	46500
44	Электр симлари	ППВ 2х4	км	30000
45	Электр симлари	ППВ 3х6	км	20400
46	Электр симлари	ППВ 2х6	км	8000
47	Электр симлари	ПВ 1,5	км	30100
48	Электр симлари	ПВ-2,5	км	100875
49	Электр симлари	ПВ-4	км	18200
50	Электр симлари	ПВ-6	км	12275
51	Электр симлари	ПВ-10	км	20000
52	Электр симлари	ПВ-16	км	25000
53	Электр симлари	ПВ-35	км	12000
54	Электр симлари	ПВ-50	км	18600
55	Радио провод	ПРППМ 2х10	км	60000
56	Радио провод	ТРВ	км	33500
57	Ёритгичлар	ЛПО 2х40	кт	14900
58	Ёритгичлар	ЛПО 1х40	кт	1200
59	Ёритгичлар	ЛПО 4х20	кт	1010
60	Ёритгичлар	ЛПО 4х40	кт	150
61	Ёритгичлар	ПВЛМ 2х40	кт	2185
62	Ёритгичлар	РКУ-125	кт	250
63	Ёритгичлар	РУ-250	кт	150
64	Ёритгичлар	НПП 03/100	дона	450
65	Ёритгичлар	НСП 11х200	дона	290
66	Ёритгичлар	НСП 11х100	дона	560
67	Ёритгичлар	РВОх42	дона	180
68	Ёритгичлар	НБО 07/60	дона	688
69	Ёритгичлар	НПП 16/40	дона	628
70	Ёритгичлар	сув-муз	дона	345
71	Ёритгичлар	НББ 2х25 БРА	дона	345
72	Ёритгичлар	Д 128-100	дона	675
73	Ёритгичлар	Д 143-100	дона	385
74	Ёритгичлар	Шар	дона	500
75	Ёритгичлар	ПСХ 60	дона	12
76	Кичик кучланиш сими	ПРППМ 2х0,9	км	18445
77	Кичик кучланиш сими	ПТПЖ 2х1,2	км	28860
78	Кичик кучланиш сими	ТРП 1х2х0,5	км	30000
79	Радио	Тайга 304	дона	1040
80	Звонок	МЗ-1	дона	35
81	Шит	ША	дона	20
82	Тарқатиш пункти	ПР 8501	дона	236
83	Яшик	ЯБПУ 1М	дона	18
84	Яшик	ЯТП 025	дона	30
85	Ёритгич шити	ОПМ-3	дона	5
86	Ёритгич шити	ОШВ-6	дона	50
87	Шит	ШК 2101	дона	34
88	Яшик	ЯОУ-8501	дона	30
89	Яшик	ШВ-4	дона	8
90	Кириш-тарқатиш мосламаси	ВРУ 11-47	дона	30
91	Яшик	ЯВП 13-2	дона	120
92	Шит	ОШВ 12	дона	30
93	Шит	Я 5111	дона	22
94	Автомат	АП50-3МТ	дона	32
95	Автомат	АП5-2МТ	дона	35
96	Переключатель	ПП-2	дона	18
97	Магнитли улагич	ПМЛ 2220	дона	40
98	Магнитли улагич	ПМЛ 3220	дона	50
99	Магнитли улагич	МПЛ 422002	дона	19
100	Кнопка	ПКЛ 2204	дона	25
101	Насослар	А 13 ВОД-63	кт	3
102	Насослар	К90/35	кт	10
103	Насослар	К20/30	кт	6
104	Насослар	К8/18	кт	10
105	Насослар	К45/30	кт	6
106	Насослар	К65/50/125	кт	5
107	Насос дозатор	АОА 21-4	кт	8
108	Насос дозатор	К 100/80-160	кт	6
109	Насос дозатор	КМ 65-50-160	кт	12
110	Насос дозатор	К-50-32-125	кт	3
111	Насос дозатор	К-100-65-200	кт	2
112	Вентилятор	ВЦ 70 №2,5	кт	50
113	Вентилятор	ВЦ 70 №3,16	кт	58
114	Вентилятор	ВЦ 70№4	кт	10
115	Вентилятор	ВЦ 70№5	кт	15
116	Вентилятор	ВЦ 70 №6,3	кт	18
117	Вентилятор	ВЦ 70 №8	кт	1
118	Вентилятор	ВКР 6,3	кт	6
119	Вентилятор	ВКР 4	кт	6
120	Ёнғин вентили	ДУ 50	кт	80
121	Ствол	РС 50	кт	80
122	Улаш мосламаси	ГМ 50	кт	80
123	Улаш мосламаси	ГР 50	кт	80
124	Ёнғин шланги	ДУ 501-20	кт	1600
125	Контрол кабели	АКВВГ 4х4	кт	5475
126	Контрол кабели	АКВВГ 7х4	кт	1700
127	Контрол кабели	АКВВГ 7х2,5	кт	2700
128	Очиқ сим	АН 70	тн	6
129	Очиқ сим	АС 70	тн	5
130	Очиқ сим	АС 50	кт	5
131	Кабель	ААШВУ 3х70	кт	2
132	Кабель	ААШВУ 3х95	кт	2
133	Кабель	ААШВУ 3х50	км	3
134	Кабель	АВВГ 3х150х50	км	5
135	Кабель	АВВГ 3х95х1х50	км	4
136	Кабель	АВВГ3х120х1х70	км	3
137	Кабель	АВВГ 3х70х1х50	км	6
138	Кабель маҳсулотлари	АВВГ 4х2,5	кт	16000
139	Кабель маҳсулотлари	АВВГ 4х4	кт	12000
140	Кабель маҳсулотлари	АВВГ 4х6	кт	10000
141	Кабель маҳсулотлари	АВВГ 4х10	кт	15600
142	Кабель маҳсулотлари	АВВГ 4х6	кт	20.000
143	Кабель 3	АВВГ 4х25	кт	14.800
144	Кабель 3х35+1х16	АВВГ	кт	8.000
145	Кабель 3х50+1х25	АВВГ	кт	7.500
146	Газ тарқатиш пункти	РОГ 40/Н	кт	5
147	Газ тарқатиш пункти	РОГ 50/Н	кт	5
148	Газ ўлчагич	РГ 160	дона	4
149	Газ ўлчагич	РГ 100	дона	6
150	Газ ўлчагич	РГ-400	дона	4
151	Задвижка	d 80	дона	100
152	Задвижка	d 90	дона	120
153	Задвижка	d 100	дона	125
154	Задвижка	d 150	дона	60
155	Сув иситиш мосламаси	L=2000ммd 114мм	кт	10
156	Парта		кт	2088
157	1 кишилик стол		кт	73
158	Иш столи		кт	280
159	Актив зал ўриндиғи		кт	1286/428
160	Ярим юмшоқ ўриндиқ		дона	2264
161	Бошлиқ хонаси у-н жиҳоз		дона	13
162	ЭҲМ столи		дона	150
163	Гимнастика гилами		дона	96
164	Ётоқхона кровати		дона	208
165	Волейбол устуни		дона	3
166	Волейбол устуни		дона	5
167	Кийим илгич		дона	72
168	Физика кабинети (стол уч-13)		кт	10
169	Химия кабинети (стол уч-13 стол ден-2 стул-26 выт шкаф шкаф сек 2)		кт	9
170	Лингафон кабинети (стол 3 аппарат-12 стол Преп аппар-12 стол перен. Аппарат 1 стул 13)		кт	15
171	Синф доскаси		дона	180
172	1 тумбали стол		дона	392
173	2 тумбали стол		дона	162
174	Китоб жавони		дона	222
175	Китоблар тарқатиш кафедраси		дона	3
176	Кутубхона учун барьер столи		дона	3
177	Ётоқхоналар учун ечиниш шкафи		кт	581
178	Картотека жавони		дона	180
179	1 томонли китоб жавони		дона	60
180	2 томонли китоб жавони		дона	34
181	Китоб жавони		дона	210
182	Тиббиёт жавони		дона	9
183	Врач столи		дона	161
184	Ширма		дона	6
185	Мольберт		дона	47
186	Кўргазма		дона	69
187	Йиғилиш столи		дона	36
188	Айланма стол		дона	4
189	Юмшоқ жиҳоз		кт	26
190	Шкаф пристенки		дона	278
191	Трибуна		дона	3
192	Пюпитрли кресло		дона	358
193	Гимнастика девори		кт	20
194	Гимнастика скамейкаси		дона	6
195	Теннис столи		дона	3
196	Гимнастика оти		дона	6
197	Сакраш мосламаси		дона	7
198	Овқатланиш столи		дона	337
199	Кушетка		дона	323
200	Медицина шкафи		кт	9
201	Ширма		дона	6
202	Анализ столи		дона	6
203	Биология столи		дона	2
204	Банкетка		дона	210

Танловда қатнашиш учун таклифлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Бир комплект тендер ҳужжатлари нархи — 15 000 сўм.

Танловда қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Хонобод шоҳ кўчаси, 5-уй. «Қашқадарёнефтгазсаноатқурилиш» ОҲЖ биноси, 4-қават.

Тел/факс: (8-375-22) 4-46-37

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN
MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
ÓZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-21-43
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Fargonada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Tursunali ÓRMONOV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta Ózbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qomitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«Ozbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 2002

Topshirish vaqti 21.00.
Topshirildi 21.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA